



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

Шавкат Собирович Олтаев Ўзини-ўзи банд қилишда заиф бандликдан унумли бандликка ўтишнинг инновацион йўллари	84
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Камбағалликни қисқартиришда ижтимоий хизматларнинг ўрни	88
Farruh Shadiyrovich Shanazarov Essence and content of the concept of poverty	92
Sunnatillo Bakhriddin o‘g‘li Iskandarov Xizmat ko‘rsatish sohasida oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishning milliy iqtisodiyotdagi o‘rni va funksiyalari	95
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Анвар Нематович Холикулов Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини аниқлаш йўллари	99
Komoliddin Jurabayevich Matkarimov, Adxamjan Akbarovich Urinov Transport xizmatlari eksportini modellashtirish va bashoratlash masalalari	103
Shohsanam Nuritdinovna Niyozova Milliy iqtisodiyotda internet xizmatlari bozorining samaradorligini oshirish va takomillashtirish yo‘llari	107
Dilshod Sultanovich Musinov Хизмат ko‘rsatish sohasida investitsion loyihalar samaradorligini oshirish yo‘llari	112
Aziza Tolibovna Raxmonova Хизмат ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda oilaviy tadbirkorlikni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash samaradorligi	117
Hamdam Iris o‘g‘li Allayorov Raqamli iqtisodiyot sharoitida milliy aloqa xizmatlari bozorining o‘ziga xos xususiyatlari	123
Нигина Бахтиёрвна Рузиева Изучение инновационного развития сферы услуг в зарубежных странах	127
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Suxrob Ramazonovich Bobokalonov Jozibador turistik destinatsiya tushunchasining mazmun-mohiyati, ilmiy-nazariy yondashuvlarning qiyosiy tahlili	130
Malika Axmad qizi Qurbonova Turizm va mehmonxona xizmatlarining aylanma mablag‘lar bilan ta‘minlanganlik darajasi va uning iqtisodiy barqarorligiga ta‘siri	135
Abduvoxid Quldoshevich To‘rayev Turizmda hududlar salohiyatidan oqilona foydalanishning nazariy asoslari va tamoyillari	140
Ойдин Давроновна Хамракулова Зеленая экономика и экологический туризм в экономике Узбекистана	143
Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Туризм хизматлари бозорининг ишлаш механизмини оптималлаштириш жараёни	147
Матлубахон Абдиманабовна Куймуратова Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий масалалари	152

3. <https://xabar.uz/iqtisodiyot/kambagallik-qandaymezon?ysclid=m0e4wozbw99-19266341>.
4. Мамаюнус Пардаев, Обид Пардаев. Кўп ўлчовли камбағалликни ифодаловчи индикаторлар. // <https://telegra.ph/K%D0%8EP-%D0%8ELCHOVLI-KAMBA%D2%92ALLIKNI-IFODALOVCHI-INDIKATORLAR-08-30> SamTVR I MTRK/. 2024.08.30 632. 8:58.
5. Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси. Маълумотлар интернетдан олинган.
6. Кўп ўлчовли қашшоқлик индекси: ўлчовлар, ҳисобот, аҳамият ва чекловлар. Интернетда 2023 йил 20 сентябрь куни эълон қилинган.

Обид Пардаев	Obid Pardaev
Новые индикаторы определения многомерной бедности и их сущность	New indicators for definition of multidimensional poverty and their essence
<p>Аннотация. В статье описаны новые показатели определения многомерной бедности и их сущность. При этом были проанализированы рекомендации престижных международных организаций, таких как Институт прогнозирования и макроэкономических исследований (ИПМИ), Программа развития ООН (ПРООН) и Глобальный индекс многомерной бедности, разработанный Оксфордской инициативой по человеческому развитию и бедности. На их основе с учетом специфики нашей страны были выбраны 10 показателей, представляющих данную категорию, и рекомендовано использовать их на практике.</p> <p>Ключевые слова: бедность, многомерная бедность, показатели, индикаторы, безработица, качество образования, здравоохранение, нищета, занятость, сезонная занятость.</p>	<p>Abstract. The article describes new indicators for determining multidimensional poverty and their essence. It analyzed the recommendations of prestigious international organizations such as the Forecasting and Macroeconomic Research Institute (FMRI), the United Nations Development Program (UNDP) and the Global Multidimensional Poverty Index developed by the Oxford Initiative on Human Development and Poverty. Based on them, taking into account the specifics of our country, 10 indicators representing this category were selected, and it was recommended to use them in practice.</p> <p>Keywords: poverty, multidimensional poverty, indicators, unemployment, quality of education, healthcare, misery, employment, seasonal employment.</p>

Шавкат Собирович Олтаев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

ЎЗИНИ-ЎЗИ БАНД ҚИЛИШДА ЗАИФ БАНДЛИҚДАН УНУМЛИ БАНДЛИҚКА ЎТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ўзини-ўзи банд қилишда заиф бандликдан унумли бандликка ўтишнинг инновацион йўллари тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада қишлоқ ва шаҳар ҳудудларида ўзини-ўзи банд қилиш тизимини такомиллаштириш, бу ҳолда аҳоли ўзини-ўзи банд қилиш даражаларини яна ҳам кўтаришга салбий таъсир қилувчи омилларни камайтириш ва бартараф этишга қаратилган ислохотлар, чора-тадбирлар ва назарий-илмий асослар муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: инновация, ўзини-ўзи банд қилиш, ўзини-ўзи банд қилиш тизими, малака ошириш ва касбий ривожлантириш, заиф бандлик, унумли бандлик, ўзини-ўзи банд қилиш фаолият турлари, ўзини-ўзи банд қилганларни касбга ўқитиш.

Кириш. Мамлакатда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ғоят муҳим омили сифатида унинг иш билан бандлиги даражасини ошириш учун керакли шарт-шароитлар билан таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасини янада ривожлантириш, одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда меҳнат ресурсларининг вужудга келиши, тақсимланиши, улардан баҳраманд бўлишнинг ҳудудий хусусиятлари билан бирга ижтимоий-демографик омилларини ҳам ҳисобга олиб, аҳоли иш билан бандлик даражасини оширишнинг сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бунда, аҳоли табиий ва механик

харакати эвазида шаклланаётган меҳнат ресурсларининг таълим даражаси, малакали меҳнат миграцияси, унумли, оқилона ва муносиб меҳнат тамойиллари асосидаги бандликни таъминлаш, ишсизликни камайтириш ва бор бўлган меҳнат ресурсларидан ўз вақтида самарали фойдаланиш каби хусусиятларни эътиборга олиш жуда муҳим саналади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Қ.Х.Абдурахмонов умумий тарзда иш билан бандликка қуйидаги таърифни келтирган: “Иш билан бандлик - фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ва даромад олиб келадиган фаолиятдир” [1].

Тадқиқотчи Қ.Дилмонов “Ўзини-ўзи банд қилиш аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили бўлиб, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш белгиларини намоён қилади”, деб таъкидлайди [2].

А.Бурлак ўз-ўзини иш билан банд қилувчиларни қуйидагича таърифлайди: “Ўз-ўзини иш билан банд қилувчи фуқаролар” капитал эгаси, иш берувчи ҳамда бошқарувчининг хусусиятларини бирлаштиради. Уларнинг бошқа ижтимоий гуруҳлардан асосий фарқи капитални бошқариш ва шахсий меҳнат функцияларининг мавжудлигидир, бу эса уларни майда мулкдорлар синфидаги чегара қатлами сифатида белгилаш имконини беради” [3].

“Ўз-ўзини иш билан банд қилиш” ва “тадбиркорлик” тушунчаларини О.Грабова ва А.Суглобов шахсий меҳнатда шахс иштирокига алоҳида эътибор қаратган бўлиб, “Ўзини-ўзи банд қилувчилар - бу хизмат кўрсатишда, тизимли равишда фойда олишга қаратилган; яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган; ёлланма ишчилар жисмоний шахслар учун ишларни бажаришда шахсий меҳнат иштирокига асосланган фаолиятни ўз хавф-хатарига биноан мустақил равишда амалга оширадиган фуқаролардир” [4] дея таъкидлашган. Тадқиқот ишимизда ўзини-ўзи банд қилиш фаолият турларини заиф жиҳатлари ҳамда унумли бандликка трансформацион жараёнлари кўрилади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда бир қатор илмий манбаларда ўз аксини топган ўзини-ўзи банд қилиш тамойиллари асосида аҳоли бандлиги даражасини ошириш масалаларига тааллуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ҳамда улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил, мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакат меҳнат бозоридаги иккита асосий ҳолатдан норасмий бандлик юзага келади:

биринчидан, расмий меҳнат бозорида меҳнат даромадларига белгиланган турли кўринишдаги солиқ ставкалари ходимлар меҳнат даромадига таъсирининг сезиларли даражада кўпайиб бориши натижасида вужудга келадиган меҳнат фаолиятидаги самарасизлиги бунга асосий сабаб қилиб кўрсатилади.

Ушбу масала ечими маълум бир касб ёки лавозим учун шахснинг норасмий сектордаги меҳнат даромади худди шу касб ёки лавозим учун расмий сектордаги меҳнат даромадидан юқори бўлишини таъминлашга асосланади. Акс ҳолда, меҳнат даромадидан ва ижтимоий солиқларни тўлашдан қочиш механизми фаоллашади;

иккинчидан эса, расмий иш жойларининг танқислиги ёки уларда таклиф қилинаётган иш ҳақи миқдорининг белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан сезиларли фарқ қилмаслиги ишлашни истаганларнинг расмий меҳнат бозоридан ташқарида даромад олиш имкониятларини излашга олиб келади. Бу меҳнат бозорида кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу масала ечими эса, янги иш ўринларини яратиш, касбга ўқитиш, малака ошириш ва қайта тайёрлов тизимини жадаллаштириш ва ташқи меҳнат миграциясини рағбатлантиришга асосланади.


Юқоридаги меҳнат бозорининг икки асосий масаласини ечими сифатида янги стратегия - ўзини-ўзи банд қилишни тартибга солиш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Маълумки, 2020 йил 1 июлгача ўзини-ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мум-

кин бўлган фаолият турлари 24 тани ташкил этди ва ушбу фаолият тури билан шуғулланаётган шахслар амалдаги Базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 4, 5 баробари миқдорида (1000000 сўм) ижтимоий солиқ тўланди.

2020 йил 1 июлдан ўзини-ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларига 43 та фаолият қўшилди ва улар сони 67 тани ташкил этди. Шу билан бирга амалдаги Базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 50%и миқдорида (111500 сўм) ижтимоий солиқ тўлаш жорий этилди. Ижтимоий солиқ миқдори қарийб 10 баробарга камайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги ПФ-6221-сонли фармони асосида 2021 йил 1 июлдан бошлаб ҳамширалик иши (рўйхатдаги 68-фаолият тури) ўзини-ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига киритилди. Бунда тўланадиган ижтимоий солиқ 373650 сўм этиб белгиланди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида ўзини-ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари сони (бирлик)

2022 йилда ўзини-ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари таркибида ўзгаришлар бўлди, янгилари қўшилди ва улар сони 82 тага етказилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-193-сонли фармони асосида 19 та фаолият тури қўшилди ва 101 тага етди ҳамда амалда 2024-йил 1-мартдан кучга кирди.

Ўзини-ўзи банд қилган кишининг меҳнат фаолиятини амалга оширган даври пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ўзини-ўзи банд қилган шахслар сони динамикаси сўнгги йилларда кескин ўсиш тенденциясига эга. 2024 йил 1 март ҳолатига кўра, мамлакатда 2633471 киши ўзини-ўзи банд қилган. Буни 2023 йил ноябр ойида ўзини-ўзи банд қилишда фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш билан изоҳлаш мумкин (2-расм).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни 35-37-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон

қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори ўзини-ўзи банд қилган шахслар фаолиятини тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий асослари ҳисобланади.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида ўзини-ўзи банд қилган шахслар сони динамикаси (киши)

Аввало, унумли бандликни изоҳлаш талаб этилади. Бизнинг фикримизча, унумли бандлик - бу қонунчиликда тақиқланмаган, ўзининг ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнатга доир қобилиятларидан фойдаланган ҳолда ўзи ва қармоғидагилар учун миллий камбағаллик чегарасидан юқори даражадаги истеъмол учун кафолатли меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.

Заиф бандликдан унумли бандлик сари трансформацион жараёнларда қуйидаги масалалар яққол кўзга ташланмоқда:

биринчидан, ўзини-ўзи банд қилган шахслар фаолиятининг ҳозирги ҳолатини тўғри баҳолай олиш лозим;

иккинчидан, ўзини-ўзи банд қилган шахслар фаолиятни бошлашларида ҳеч қандай махсус тайёргарлик ёки тегишли малака сертификати талаб этилмайди;

учинчидан, ўзини-ўзи банд қилган шахслар рўйхатга олинишида ҳеч бўлмаса, фаолият модели ёки мақсадли режасига эга бўлиши талаб этилмайди;

тўртинчидан, ўзини-ўзи банд қилган шахслар базавий молиявий илмга ва ҳуқуқий хабардорликка эга бўлиши улар ишини янада ривожлантиришга кўмакчи бўлади.

Заиф бандликдан унумли бандлик сари ўтиш жараёни вақт, куч ва стратегик режалаштиришни талаб этади.

Хулоса ва тавсиялар. Хулоса қилиб айтганда ўзини-ўзи банд қилган шахслар бандлигини заифликдан унумлилик тамойилларига асосланиши қуйидагиларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ўзини-ўзи банд қилганлар учун солиқ тизимини соддалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади;

иккинчидан, ўзини-ўзи банд қилган шахслар тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш керак;

учинчидан, ўзини-ўзи банд қилган шахсларнинг фаолияти доирасида билимларини ва малакаларини оширишлари учун бепул ёки субсидияланган таълимга йўлланмалар бериш лозим;

тўртинчидан, молиядан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш учун шарт-шароитларни яратиб бериш;

бешинчидан, ўзини-ўзи банд қилган шахслар учун махсус рақамли платформа ва марказлашган мобил иловаларни ишлаб чиқиш уларнинг фаолиятини янада енгиллаштириши мумкин;

олтинчидан, ўзини-ўзи банд қилган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни эркин ва масофавий реализация қилишлари учун марказлашган электрон

бозорни яратиш ва шу асосида уларни қўллаб-қувватлаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Қ.Д. Мехнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Мехнат. - 2009. -512 б.
2. Дилмонов К. Хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини-ўзи банд қилишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири // “Biznes-Эксперт” иқтисодий илмий-амалий ойлик нашр, 2021 йил 3 (159)-сон, 74-77- бетлар
3. Бурлак А.В. К вопросу о понятии «самозанятые граждане» // Вестник Омского университета. Серия «Право». - 2016. - № 4 (49).
4. Грабова О.Н., Суглобов А.Е. Проблемы выхода «из тени» самозанятых лиц в России: риски и пути их преодоления // Экономика. Налоги. Право. - 2017. - Т. 10. - № 6. - С. 108-116.

<p>Ш.Олтаев</p> <p>Инновационные пути перехода от уязвимой занятости к продуктивной занятости в самозанятости</p> <p>Аннотация. В данной статье исследуются инновационные способы перехода от уязвимой к продуктивной занятости в сфере самозанятости. Также в статье рассматриваются реформы, меры и теоретико-научные основы, направленные на совершенствование системы самозанятости в сельской и городской местности, в данном случае снижение и устранение факторов, негативно влияющих на дальнейшее повышение уровня самозанятости.</p> <p>Ключевые слова: инновации, самозанятость, система самозанятости, повышение квалификации и профессиональное развитие, уязвимая занятость, продуктивная занятость, самозанятая деятельность, профессиональная подготовка самозанятых.</p>	<p>Sh.Oltaev</p> <p>Innovative ways to transition from vulnerable employment to productive employment in self-employment</p> <p>Abstract. This paper explores innovative ways of moving from vulnerable to productive employment in self-employment. Also, the article discusses reforms, measures and theoretical-scientific bases aimed at improving the self-employment system in rural and urban areas, in this case, reducing and eliminating factors that negatively affect the further increase of self-employment levels.</p> <p>Keywords: innovation, self-employment, self-employment system, skills development and professional development, vulnerable employment, productive employment, self-employment activities, vocational training of the self-employed.</p>
---	--

Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова – СамИСИ тадқиқотчиси

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИНГ ЎРНИ

<p>Аннотация. Мақолала камбағалликни қисқартиришда ижтимоий хизматларнинг ўрни ва унда ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматларнинг моҳияти ва ушбу хизматлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги очиқ берилган. Ногиронлиги бор инсонларга муносиб яшаш шароитини яратиш, иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, хуллас уларни камбағалликдан чиқариб, таълим ва тарбиянинг барча йўналишлари билан таъминлашга қаратилган бир қанча тавсиялар ҳам берилган.</p> <p>Калит сўзлар: хизматлар, ижтимоий хизматлар, камбағаллик, “Инсон” маркази, ногиронлиги бор инсонлар, ҳаёт сифати.</p>

Кириш. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни шакллантиришнинг муҳим вазифаларидан бири мамлакатимизда турли хизматларни кўрсатиш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Бу борада мамлакатимиз раҳбари тизимли ишларни амалга оширадиган чора-тадбирларни белгилаб бермоқда. Давлатимиз раҳбари: “бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “**Янги Ўзбекистон**” ғояси замирида ана шундай улуг аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз”, деб таъкидлади. Камбағалликни қисқартиришга қаратилган омилардан бири ижтимоий хизматлар ҳисобланади. Айнан ушбу масалага бағишланган қуйидаги қарорларни ҳам қабул қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.